

ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ЎҚУВ РЕЖА, ДАСТУРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

Абдураимов Шерали Сайдикаримович

п.ф.ф.д. (PhD), доцент

А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Жиззах, Ўзбекистон

e-mail: tdpu.sherali@mail.ru

Аннотация: Мақолада интеграциялашган ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш методикаси таклиф этилган.

Калит сўзлар: интеграция, касб таълим ўқитувчиси, интегратив ёндашув, ўқув режа, ўқув дастури, асосий таълим дастури, қўшимча таълим дастури.

Аннотация: В статье предлагается методология разработки и внедрения интегрированных учебных планов и программ.

Ключевые слова: интеграция, учитель профессионального образования, интегративный подход, учебный план, учебная программа, программа основного образования, программа дополнительного образования.

Abstract: The article proposes a methodology for the development and implementation of integrated curricula and programs.

Keywords: integration, vocational education teacher, integrative approach, curriculum, basic education program, continuing education program.

Маълумки, таълим жараёнида муайян ўқув фанларга оид билимлар билан бир қаторда халқнинг ижтимоий тажрибаси, тил бойлиги, маънавий, маданий қадриятлари, ахлоқий меъёрлар билим ва тушунчалар шаклида ўргатилиши лозим. Амалдаги таълим жараёнини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, у ёки бу ўқув фани мазмунида талабанинг ижтимоий тажрибасига кирмай қолган билим ва тушунчалар мавжуд. Бунинг асосий сабаби ўқув фанининг мазмунини ўта мураккаб ёки ҳаддан ташқари содда эканлигидадир. Агар ўқув материали ўта мураккаб бўлса, талаба уни тўлиқ ўзлаштиришга қийналади. Агар содда ва такрор ҳолда ифодаланган бўлса, бундай ўқув материални ўзлаштиришга эҳтиёж сезмайди, ундан безади.

Бугунги кунга келиб жаҳондаги мамлакатларнинг 70 фоизи таълим тизимида интегратив характердаги ўқув дастурлари ва дарсликлардан фойдаланмоқда. Ҳар бир мамлакат айни шу давлатнинг таълим тизимида кўйилган буюртманинг табиатидан келиб чиққан ҳолда интеграциянинг турли даражаларини ишлаб чиққан ва жорий қилиб келмоқда. Чунончи, Буюк Британия таълим тизимида асосан интегратив фанлар жорий қилинган бўлса, Корея ва Швейцарияда интеграциялашган фанлар ёки алоҳида ўқув

предметлари, Австралияда интеграциялаштирилган фанлар, Япония, Шимолий Ирландия, Уэльс, Гонг-Конг ва Германияда ҳам алоҳида фанлар, Венгрияда маданият йўналишидаги ўқув предметлари, инсон ва табиат, интегратив фанлар, Нидерландияда алоҳида ўқув предметлари, Ирландияда фан ва техника каби блоklarда барча ўқув фанлари мужассамлаштирилган ҳолда ўқитилади. Бизда бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Таълим жараёнини интегратив дастурлар ва дарсликлар асосида ташкил этиш орқали ўқув-билиш жараёни натижасида самарадорликка эришиш назарда тутилар экан, бунда интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Масалан:

1. Мавзуларни кетма-кет тақдим этиш асосидаги интеграция; бунда ўқув материалларини баён қилишда концентризм принципига амал қилинади, яъни олдинги ўқув материали кейингисини тўлдиради. Лекин ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди. Бундай интегратив ёндашув натижасида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда ижодий фаолиятлари мунтазам равишда ривожланиб, бойиб боради.

2. Ўқув дастурларида ўзаро уйғунлашган нуқталарни вужудга келтиришга асосланган интеграция; бунда ҳам такрор тарзда бериладиган тафталогия асосидаги ўқув материалларининг олдини олиш учун дастурларда мавзулараро уйғунликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг афзаллиги шундаки, талабанинг вақти ва кучи тежалани, дарсликларнинг ҳажми ихчамлашади ва таннарни арзонлашади.

3. Модуллашган интеграция: бундай интеграция доирасида турдош ўқув фанларига оид билим ва тушунчалар бир тизимга солинган ҳолда, узвий тарзда талабаларга тақдим этилади.

4. Интегратив дастурлар: ушбу типдаги дастурлар бир неча ўқув предмети ёки ўқув фанларига оид мавзуларни уйғунлаштиришган ҳолда тақдим этишни назарда тутаяди. Бугунги кунда ўқув режасида ўқув предметларининг сони максимум кўпайиб кетганлигини инобатга олсак, бундай типдаги дастурларни яратишга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

5. Мавзулараро интеграция; бунда айти бир курс доирасида бериладиган ўқув материаллари бошқа бир курс доирасидаги моҳиятан яқин бўлган ўқув материаллари билан уйғунлаштирилади.

Таълимда интеграцияни амалга ошириш ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам педагогик, гигиеник ва физиологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, бунда талабанинг вақти ва кучи тежалани, ортиқча зўриқишнинг олди олинади. Ўқув-билиш жараёнининг самарадорлик даражаси ортади.

ДТС асосида талабанинг билими ҳамда тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимум талаблар ўз ифодасини топмоғи лозим. Амалга

оширилиши кўзда тутилаётган интеграция даражаси айна бир ўқув фани мазмунида чуқур, ҳар томонлама алоқадан бошланиб, ўқув фанлараро боғланиш, уйғунлаштириш даражасида таъминланиши керак.

Бунда биринчи навбатда ўқув материалларини мазмун жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай мақсадга эришиш учун таълим мазмунида ўқув фанларини интеграциялашнинг илмий ва педагогик асосларини ишлаб чиқиш, таълим жараёнини либераллаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув режасини такомиллаштириш; интегратив мазмундаги ўқув дастурлари ва дарсликларнинг янги авлодини яратиш, таълим мазмуни интеграциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Интеграциянинг у ёки бу даражасини таълим жараёнида жорий этиш натижасида талабанинг вақти ва кучи тежалади, унинг билиш имкониятлари кенгаяди; мавзулараро интеграция асосида ўқув-билиш жараёни натижаларини истиқболлаш механизмлари яратилади; интеграциялаштирилган таълим жараёнини бошқарадиган ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини оширишни йўлга қўйиш учун ҳукуқий методик имкониятлар яратилади; интегратив дастурлар асосида ўқув-билиш жараёнининг иқтисодий жиҳатдан самарадорлик даражаси аниқланади; ўқув-билиш жараёнини интеграл дастурлар асосида ташкил этиш соҳасидаги халқаро тажрибалардан кенг фойдаланиш учун қулай имкониятлар туғилади.

Ҳозирда касб таълими тизими маълум қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Касб таълими йўналишларида талабалар сони сезиларли даражада камайди, иш берувчилар билан алоқалар узилиб, ўқув-ишлаб чиқариш базаси ҳам жисмонан, ҳам маънан эскириб бормоқда. Малакали кадрларга бўлган реал талаб давлат даражасида қатъий чоралар кўришни талаб қилмоқда. Касб таълими тизимини ривожлантиришнинг стратегик вазифаси узлуксиз ўзгариб турибди. Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда фаолият кўрсатишга қодир бўлган малакали ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш тузилмаси, ҳажми ва сифати бўйича касб таълими бироз орқада қолмоқда. Ушбу муаммоларнинг ечими касб таълимининг асосий ва қўшимча ўқув дастурлари сифатига боғлиқ.

Касб таълими асосий ўқув дастурининг мақсади моддий қимматликлар, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида муваффақиятли ишлашга қодир, ижтимоий сафарбарлиги юксак, мақсадга интилувчан, уюшқоқ, меҳнатсевар, масъулиятли, таълимни давом эттириш ҳамда умуммаданий ва касбий компетенцияларни эгаллаш асосида инновацион фаолиятга киришишга тайёр бўлган битирувчини тайёрлаш.

Касб таълимининг асосий ва қўшимча ўқув дастурлари тамойиллари қуйидагилардан иборат.

1. Меҳнат бозори талабларига йўналганлик. Таълим дастурлари мазмуни замонавий ишлаб чиқариш талабларига жавоб бериши ва ҳар бир мутахассислик доирасида малака ва компетенцияларга талабларнинг таҳлилига асосланган бўлиши зарур. Касб таълими мазмунини ишлаб чиқишга иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий шерикларнинг етакчи мутахассислари ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилиш лозим.

2. Эгилувчанлик. Касб таълимининг асосий дастурлари ҳам технологиялар, ҳам меҳнатни ташкил қилиш соҳасига тааллуқли ўзгаришларга мослашиши учун етарлича эгилувчан бўлиши керак. Замонавий касбий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳаётийлиги даври қисқариб, улар доимий янгилашиб ва такомиллашиб бормоқда, ўз-ўзидан маълумки, натижада касб таълимининг асосий дастурларининг ҳаётийлиги даври ҳам қисқармоқда. Қўшимча таълим дастурларига, малака ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларига талаб ортиб бормоқда.

3. Шаффофлик. Асосий таълим дастурлари иш берувчилар, ота-оналар ва талабалар учун тушунарли бўлиши керак. Ижтимоий шериклик тамойили таълим муассасалари (ташкilotлари)нинг ижтимоий шерикларини таълим дастурларини ишлаб чиқиш, уларни эксперт сифатида жалб қилишни талаб этади. Асосий таълим дастурлари шаффоф ва иш берувчилар учун тушунарли бўлган ҳолда, улар дастурлар ва умуман таълим муассасасини моддий-техник таъминлаш ва ривожлантиришда фаол иштирок этиши мумкин бўлади. Шаффофлик, шунингдек, таълим дастурларининг шу дастурни ўзлаштирган инсоннинг реал қобилиятларини акс эттирадиган таълим натижаларига йўналганлигини англатади.

4. Минимал етарлилик тамойили ишчи ва мутахассислар тайёрлашнинг шундай ҳажмини талаб қиладики, улар мутахассисликка талаб ўзгарганда минимал қўшимча (мослаштирувчи) таълим билан ишга жойлашиш имкониятига эга бўлсин.

Ишчи ва мутахассисларнинг касбий компетентлигини таълим давомида амалий фаолият орқали таъминлашга йўналтирилган интегратив ва компетент нуқтаи назаридан ёндашишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Бу ёндашувга мувофиқ, аввало, ходимлар фаолиятига янги аниқ талаблар ишлаб чиқилмоқда ва улар асосида янги таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларида касб таълимига талаблар шакллантирилмоқда.

Асосий касб таълими дастури қуйидаги элементлардан иборат ўз тузилмасига эга.

1. Асосий ўқув дастурига уқтириш хати.

2. Ўқув графикани ўз ичига олган ишчи ўқув режа.
3. Умумқасбий фанларнинг ишчи ўқув дастурлари.
4. Асосий ва қўшимча касбий модуллар дастурлари.

Таълим дастурларини такомиллаштириш талабларини ҳам кўриб чиқамиз:

– асосий ва қўшимча таълим дастурлари таълим фаолиятини мустақил ёки тармоқ шакллари ёрдамида амалга оширадиган таълим муассасалари томонидан такомиллаштирилади;

– турли, жумладан, масофавий таълим технологиялари қўлланади;

– таълим мазмунини касбий модуллар ва ўқув фанларининг умумқасбий дастурларида тақдим қилишнинг модул тамойили қўлланади;

– турли даражадаги ва тайёрлов муддатлари турлича бўлган қўшимча касбий таълим дастурлари орқали касбий таълимнинг узлуксизлигини такомиллаштириш имконияти тақдим этилади;

– шахсий, касбий ва карьераси ўсиши учун индивидуал таълим траекторияси (ИТТ)ни шакллантириш имконияти. Талаба йўналишни белгилашда фаол. Ўқув материали етарлича шахсий-мазмуний аҳамият касб этади, деб баҳоланади, ўз салоҳиятини англаш, ҳаракатларни йўналтириш майдонини аниқлаштиришга кўмаклашади. Бошқалар ўқитувчилар ва талабалар билан ўзаро ҳамкорлик йўналишини танлаш зарурати туғилганда тузатиш киритишга кўмаклашади;

– ижтимоий шериклар билан шартномалар асосида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш назарда тутилади.

Асосий касбий таълим дастурларини такомиллаштириш шароитларига қўйидагилар киради:

– тегишлича моддий-техник таъминот. Бу талаб дастурда ўқув хоналари, лабораториялар, устахоналар номини санаб ўтиш зарурлигини кўрсатади. Кўрсатилган нормативда, шунингдек, ўқув хонаси ва хонадаги иш ўринлари жиҳозлари, устахона ва ўқув устахонасида ўқитувчи ҳамда талабаларнинг иш ўринлари жиҳозлари, лаборатория ва таълим оловчиларнинг иш ўринлари жиҳозлари рўйхати ҳам мавжуд. Таълим воситалари, жумладан, тренажерлар, моделлар, макетлар, жиҳозлар техник, хусусан, аудиовизуал, компьютер ва телекоммуникация воситалари рўйхати келтирилади;

– таълимнинг ахборот таъминоти. Бундай таъминот тавсия қилинадиган ўқув нашрлари, интернет-ресурслар, асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади. Босма нашр номидан кейин албатта нашриёт номи ва нашр йили кўрсатилади. Адабиётлар рўйхатини тузишда

ўқув нашрларининг тасдиқланган тартибга мувофиқ экспертизаси натижалари мавжудлиги ҳисобга олинади;

– таълим жараёнини ташкил қилишга умумий талаблар. Бу талабга мувофиқ, машғулоти ўтказиш, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш, таълим олувчиларга маслаҳат кўмагини ташкил қилиш шароитлари тавсифланади;

– таълим жараёнининг кадрлар таъминоти. Бу ҳолда ўқув фанлари (ЎФ) бўйича таълимни амалга оширадиган педагогик (муҳандис-педагогик) кадрлар, амалиётга раҳбарлик қиладиган педагогик кадрлар, муҳандис-педагогиклар, ишлаб чиқариш усталари малакасига талаблар тақдим қилинади.

Асосий таълим дастурлари (АТД) махсус тарзда лойиҳалаштирилади. Уларни лойиҳалаштириш ўз мантиқига эга (1-расм).



Изоҳ: КФТ-касбий фаолият тури, ЎФ-ўқув фанлари, КМ-касбий модул, ПА-педагогик амалиёт, ИЧА-ишлаб чиқариш амалиёти, ГИИФ-гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, МТИФ-математик ва табиий-илмий фанлар.


1-расм. Асосий таълим дастурларини ишлаб чиқиш схемаси

Лойиҳанинг кейинги босқичи битирувчиларнинг касбий фаолият турларини (КФТ) ёки ходимнинг фаолият функцияларини белгилаш ҳисобланади.

Функционал таҳлил методидан фойдаланиб, бўлажак мутахассислар касбий фаолиятининг барча ва зарур турлари тегишли Давлат таълим стандартларига тўлиқ киритилди. Бироқ асосий таълим дастурларида қатор ҳолларда касбий фаолиятнинг кўшимча турларини киритиш зарур. Бунинг учун мутахассисларнинг минтақа меҳнат бозоридаги фаолиятини

функционал таҳлил қилиш керак, бу таълим муассасалари битирувчилари меҳнат қилиши кутилаётган иқтисодиётнинг тегишли соҳасидаги айниқса минтақавий корхоналардаги технологиялар ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришларини ҳисобга олиш имконини беради [19].

Меҳнат функциялари аниқлагандан кейин Давлат таълим стандарти бўйича реал фаолият турлари ва мутахассис минтақанинг муайн корхоналарида бажарадиган комплекс ишлар ва бунда касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур компетенцияларнинг функционал таҳлили амалга оширилади, малакаларга талабни таҳлил қилишнинг мантиқий якуни саналган функционал харита тузилмаси ишлаб чиқилади. Функционал хаританинг умумлаштирилган схемаси 2-расмда келтирилди.



2-расм. Функционал харита тузилмаси

Асосий таълим дастурини лойиҳалаштиришда таълим муассасалари бир қисми эскириб улгурган, компетенцияларни эгаллаган ишчини тайёрлашни эмас, балки касбий фаолиятнинг қайси аниқ турлари учун ишчи ёки мутахассисларни касбий тайёрлашни амалга ошираётганини аниқ тасаввур қилиши керак. Асосий таълим дастурини ишлаб чиқишнинг навбатдаги босқичи касбий модулар дастурини ишлаб чиқишдан иборат. Асосий таълим дастурини ишлаб чиқишда модуль тамойилини такомиллаштириш бир неча сабаб билан изоҳланади.

1. Модуллик технологик ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар оқибатида мутахассислар тайёрлаш талабларига тезда муносабат билдириш, рақобатбардош даражада мутахассислар тайёрлаш сифатини таъминлаш имконини беради. Бу ҳолда таълим дастурига қўшимча касбий модул киритиш ёки мазмуни эскирган модулни чиқариб ташлаш етарли бўлади. Асосий таълим дастурини ривожлантиришнинг бошқа варианты ҳам мавжуд. Иш берувчи фаолият турларини қўшимча касбий компетенциялар билан тўлдиришни тавсия қилади. Бунинг учун касбий модул дастури мазмунини ўқув фанлари билан тўлдириш зарур. Бунда асосий таълим дастурининг ўзи яхлит ўзгармайди, унинг бўлимлари тўлдирилади, холос.

2. Модуллик таълимни ҳар бир таълим олувчининг билим, кўникма ва малакалари даражаси ҳамда аввалги таълими (ёки меҳнат тажрибаси)дан келиб чиққан ҳолда индивидуал таълим дастурини ишлаб чиқиш, асосий ва қўшимча касбий модулларни комбинациялаш йўли билан индивидуаллаштириш имконини беради.


3. Асосий касбий таълим дастурларини ишлаб чиқишда модул тамойилини жорий этиш бир неча асосий таълим дастурида айнан бир хил касбий модулларни, ўргатувчи модулларни бир неча фан дастурида қўллашга имкон беради.

4. Компетенцияларга асосланган модуль дастурларининг устунлиги шундаки, улар меҳнат соҳаси талаблари ўзгаргани сари зарур ўзгаришларни тезкор киритиш, модулларни турлича комбинациялаш асосида таълим олувчиларнинг талаби ва аввал тугалланган таълими ёки меҳнат фаолияти давомида эгаллаган билим, кўникма ва малакасига боғлиқ равишда турли курсларни шакллантириш имконини беради.

5. Асосий таълим дастурларини шакллантиришда модулли ёндашувдан фойдаланиш таълим муассасасига таълимнинг интеллектуал ресурсига эгалик қилиш имконини беради, бу модулни такомиллаштиришнинг аниқ ўқитувчига боғлиқлигини истисно қилади, зеро методика ва ўқув материали бошқа мутахассислар томонидан ўзлаштирилиши мумкин.

Касбий фаолиятнинг функционал таҳлилига мувофиқ ишлаб чиқиладиган касбий модуллар сони касбий фаолият турларининг сони билан белгиланади. Касбий модуль дастури таълимнинг мақсади, компоненти, фанлараро ўқув комплекслари кўринишидаги мазмуни, таълим олувчиларнинг мустақил ишлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари мазмуни, касбий фаолиятни эгаллашнинг натижаларини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш методлари ҳамда касбий модуль дастурини такомиллаштириш шартларини бирлаштиради. Шундай қилиб, у касбий тайёрлаш, ўқув-касбий ютуқларни эгаллаш жараёнининг методик таъминоти ва кузатувини ўз ичига олади. 3-расмда касбий модульнинг асосий компонентлари акс эттирилди.

Касбий модуль тузилмасининг энг муҳим элементи касбий модуль паспортида дастурнинг қўлланиш соҳаси касбий фаолиятнинг асосий тури ва унга мос келадиган (тегишли) касбий компетенциялар қисмида акс этади.



3-расм. Касбий модуль дастури тузилмаси

Дастурни ишлаб чиқувчиларнинг кўрсатишича, касбий модуль дастури модулни мақсад ва вазифалари модулни ўзлаштириш натижаларига талабларни шакллантиради. Паспортда касбий компетенциялар тавсифлари: мутахассисликлар бўйича ДТС га мувофиқ амалий тажриба, малака ва билимларга эга бўлиш кўрсатилади. Ўқув режаси бўйича касбий модуль дастурини ўзлаштиришга тавсия қилинадиган вақт белгиланади: жами соат; жумладан, таълим олувчининг максимал ўқув юкламаси – соат; хусусан, таълим олувчининг мажбурий аудитория юкламаси – соат; таълим олувчининг мустақил ишлари – соат.


Касбий модуль дастурини ишлашда уни ўзлаштириш натижалари кўрсатилади. Булар таълим олувчининг касбий фаолиятнинг аниқ турини, жумладан, касбий компетенциялар (КК)ни ва умумий компетенциялар (УК)ни эгаллаши саналади (1-жадвал).

1-жадвал.

Касбий модуль дастурида таълим натижаларини тақдим қилиш шакли

Код	Таълим натижаси номи
КК	
КК	
КК	
УК	
УК	

Навбатдаги муҳим элемент касбий модулнинг тузилмаси ва мазмунидир. Касбий модуль дастурининг бу бўлимида мазмуннинг асосий бўлимлари, ўрганилаётган касбий фаолият тури структурасига кирадиган касбий компетенцияларни эгаллашнинг мантикий изчиллиги қараб чиқилади. Касбий модуль мазмуни тузилмасини шакллантиришга 4-расмда кўрсатилган қатор омиллар таъсир ўтказади.



4-расм. Касбий модуль мазмунига таъсир кўрсатувчи омиллар

Буларга модуль паспортида кўрсатилган касбий компетенциялар миқдори киради. Компетенциялар мазмуннинг мустақил яхлит birlikлари – касбий модуль дастури бўлимларини белгилайди. Ҳар бир касбий компетенция фанлараро курс мазмунини тақдим қилади. Бироқ бу касбий модуль мазмунини шакллантириш ва тузилмалаштиришнинг расмий ҳолати. Касбий компетенциянинг мазмуни жуда муҳим. У касбий фаолият объектлари, предметлари ёки шу фаолият технологиясини ўз ичига олган тавсифларда тақдим қилинади, бунга боғлиқ тарзда касбий модулни мавзули режаси ишлаб чиқилади (2-жадвал).

2-жадвал.

Касбий модулни мавзули режаси

Касбий модуль, ўқув фанлари бўлимлари ва мавзулари номи	Ўқув материали мазмуни, лаборатория ишлари ва амалий машғулотлар, мустақил иш, курс иши (лойиҳаси) (кўзда тутилган	Соатлар ҳажми	Ўзлаштириш даражаси
---	--	---------------	---------------------

	бўлса)		

Мавзули режани ишлаб чиқишда асосий муаммо касбий компетенция тавсифлари ўқув ахборотининг назарий қоидаларини тақдим қилиш ҳисобланади. Касбий фаолият объекти ҳақида гап борганида асосий эътибор унинг функционал вазифаси, ишлаш принципи, техник характеристикалари, конструкцион параметрлари ва унинг ҳар бир элементи вазифасини аниқлаш орқали қурилманинг конструкциясига қаратилади. Агар объект ҳақидаги ахборот катта ҳажмда бўлса, намунавий объектлар турли мазмуний белгиларга кўра таснифланади, фактологик мазмундаги ахборотнинг катта оқими мавжуд, уни тизимлаштириш қийин шунинг учун фанлараро курс киритиш мақсадга мувофиқ. Масалан, «... да кўриш» (касбий фаолият объекти ёки предметининг номи келтирилади). Амалда йўналганлик асосини берувчи фанлараро курсда ўрганилаётган объект умумий кўринишда берилиши керак. Бу ҳолда касбий компетенциялар тавсифларини, таълим олувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти тузилишини тақдим қиладиган муайян объектлар тўлиқ очиқ бериладиган ўқув ахборотини тизимлаштириш осон кечади.

Технологик жараёни амалга оширишда таълим олувчилар касбий фаолиятни эгаллаши давомида ўқув материални режалаштириш анча мураккаб иш. Замонавий технологияни акс эттирган ўқув ахбороти мураккаб, тез ўзгарувчан ва билим, кўникма ва малакаларни тақдим қилишнинг ўрнатилган асосига эга эмас. Унинг таркибига билимнинг олтига соҳаси бўйича ахборот киритилади. Аввало, гап иш ўрнини ташкил қилиш ва мутахассиснинг муайян ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда меҳнат хавфсизлиги ҳақида боради, чунки «Меҳнат муҳофазаси» ўқув предметида соҳа ва умуман ишлаб чиқаришда умумий хавфсизлик қоидалари ўрганилади.

Ўқув материали мазмунининг кейинги блоки хом ашё ва материаллар, уларнинг характеристикаларидир. Улар фойдаланишнинг техник шартлари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олади. Меҳнат фаолияти меҳнат воситалари – асбоб ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Касбий модуль дастурига фақат ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти даврида бажаришда ишлатиладиган махсус воситалар киритилади.

Кейин технологик жараёни жорий этиш бўйича иш усуллари ва методларини акс эттирадиган блок келади. Бу касбий модуль дастурининг асосий мазмуни. Бўлажак мутахассис касбий компетенцияни эгаллаши ёки эгалламаслиги унга боғлиқ, шунинг учун бу блок батафсил ишлаб чиқилиши

лозим. У барча меҳнат операциялари мазмуни, технологик жараёни амалга ошириш босқичлари кетма-кетлиги, техник шартлар, соҳага оид стандартлар талаблари, нуқсонга олиб келадиган шароитлар ва нуқсон турлари, шунингдек унинг олдини олиш чораларини ўз ичига олади.

Кўриб чиқилган масалаларнинг ўқув мазмунини бир неча фанлараро комплексда тақдим қилиш зарур. Ўқув ахбороти мазмунини тақсимлашдан ташқари мавзули режада лаборатория ва ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг номи, талабаларнинг қараб чиқиладиган мазмунни ўзлаштириш бўйича мустақил иш турлари тақдим қилинади. Талабалар фаолиятини режалаштиришда мазмуннинг белгиланган ҳажмини ўзлаштириш учун соатлар ҳажмини ажратиш муҳим жиҳат ҳисобланади. Бу ҳолда ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришга вақт нормалари ҳисоби ва таълим олувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш қобилиятидан келиб чиқиш керак.

Касбий модуль дастури тузилмасининг натижаларни назорат қилиш ва баҳолаш каби элементини кўриб чиқамиз. Таълим натижаси деганда таълим олувчи таълим жараёни (масалан, фан, модуль ёки умуман ўқув фанлари) тугатганида нимани (кутилганидек) билиши, тушуниши ёки намойиш қилишга қодир бўлиши тушунилади. Таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш шакллари ва методлари орқали касбий компетенцияларнинг шаклланганлигини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш, умумий компетенцияларнинг ривожланишини ташхислаш ишлари амалга оширилади. 3-жадвалда таълим олувчиларнинг касбий модуль мазмунини эгаллаш натижаларини баҳолаш методикасини режалаштириш кўрсатилган.

3.-жадвал.

Касбий компетенциялар ривожланганлигини ташхислаш

Натижалар (ўзлаштирилган касбий компетенциялар)	Натижани баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари	Назорат ва баҳолаш шакллари, методлари

3-жадвалда муаммонинг моҳияти 2- ва 3-бандда акс этган. 2-бандда асосий таълим дастурини ишлаб чиқувчилар (лойиҳалаштирувчилар) ўқув-ишлаб чиқариш ишлари натижаларининг объектив кўрсаткичлари, ўқув-касбий, интегратив-технологик ва ижодий топшириқларнинг ечимларини акс эттириши лозим. Бу кўрсаткичларни ишларни бажариш стандартлари талаблари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти объектларининг юқори малакали ишчилар томонидан бажарилган эталонларидан келиб чиқиб

объективлаштириш керак. 3-бандда тест топшириқлари, эксперт баҳолаш методлари, эссе, реферат, ижодий ишлар тематикаси келтирилади.

Касбий модуль дастурини такомиллаштириш шартларини кўриб чиқамиз. Дастурнинг бу тузилмавий элементи ҳақида кичик бўлим аввалида гапирилган эди. Унда хона, ўқув лабораторияси, ўқув устахонасининг таълим муҳитини касбий фаолиятнинг ўрганилаётган тури бўйича ташкил қилиш, касбий модуль бўйича таълим жараёнининг ахборот ва кадрлар таъминоти ҳақида маълумотлар келтирилади.

Асосий касбий таълим дастури мутахассислар тайёрлаш сифатини кафолатловчи шароитларни қуйидаги йўллар билан таъминлаши керак:

- асосий ва қўшимча касбий дастурларни таълим муассасасининг ижтимоий шерикларининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ишлаб чиқиш;

- таълим дастурларини иш берувчилар томонидан мазмун ва техник жиҳатдан экспертиза қилиш;

- а) таълим олувчиларнинг ўқув-касбий ютуқларини ва битирувчиларнинг касбий компетенцияларини баҳолаш тартибига воситаларини ишлаб чиқиш;

- б) касбий-педагогик кадрлар компетентлигини таъминлаш;

- в) иш берувчилар вакилларини жалб қилган ҳолда мунтазам ўзини ўзи назорат қилиш ва келишилган мезонлар бўйича таълим муассасаси фаолиятини баҳолашни амалга ошириш.

Умумкасбий туркум ўқув фанларининг ўқув дастурлари мазмуни, одатда, анъанавий тузилмага эга, қолаверса, модуллар бўйича ҳам тузилмалаштириш мумкин. Бу ҳолда мазмуннинг такрорланишини истисно қилиш, ўқув ахборотининг мантиқан ихчам тузилмасини қуриш мумкин. Бу ДТС асосида асосий касбий таълим дастурларини ишлаб чиқишда айниқса муҳим, чунки умумкасбий предметлар рўйхати сезиларли тарзда қисқарган ва ўқув фанлари икки-уч ўқув курсларини бирлаштиради. Ўқув фанларининг модулли тузилмаси таълимнинг модулли технологиясида ўргатувчи модуллар асосини ташкил қила олади.

Табиий-илмий туркум ўқув предметлари ва ижтимоий-гуманитар фанлар дастурлари ҳар бир ўқув фани бўйича умумтаълим мактаби учун ДТС талабларига мувофиқ келиши шарт ва анъанавий тузилма бўйича лойиҳалаштирилади (дастур бўлимларини мавзули режалаштириш, ҳар бир бўлим бўйича мавзуларни, амалий ва лаборатория ишларини, дастур бўйича таълим жараёнининг ахборот ва моддий-техник таъминотини режалаштириш). Ўқув дастурига баҳолаш воситалари фондлари ишлаб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Sherali S. Abduraimov. Integrative Activities in Providing Quality of Training Teachers of Professional Education // «Eastern European Scientific Journal» Düsseldorf – Germany, 2017. №1, 2017, Page 179-183. (13.00.00 №1).

2. Абдураимов Ш.С. Профессиональная подготовка учителя новой формации в условиях реализации межотраслевой интеграции // Science and world. 2014. pp. 10-12. (№4. Global Impact Factor 0.325).

3. Абдураимов Ш.С. Интегративная деятельность в обеспечении качества подготовки учителей профессионального образования // Качество высшего и профессионального образования в постиндустриальную эпоху: сущность, обеспечение, проблемы: Международной научно-практической конференции. - Казань, 2016. - С. 81-86.

4. Шарипов Ш.С., Абдураимов Ш.С. Межотраслевая интеграция как форма обеспечения эффективности подготовки учителей профессионального образования // «Высшее и среднее профессиональное образование России в начале 21-го века: состояние, проблемы, перспективы развития» Материалы 12-ой Международной научно-практической конференции (г. Казань, 17 мая 2017 года). В 2-х частях. Казанский государственный архитектурно-строительный университет. – Казань: 2018. –Часть 1 – 58-64 ст.

5. Sherali S. Abduraimov. Inter-Branch Integration as Form Providing Effectiv Preparing Professional Education Teachers «Eastern European Scientific Journal» Düsseldorf – Germany, 2018. №6, 2018, Page 203-207.

6. Уразова М.Б., Абдураимов Ш.С., Маматов Д.Н., Вахидова Н., Ражабова Д. Perfection Of Technology Of Preparation Of Future Teachers Of Vocational Education To The Designing Activity The Main Contents Of The Dissertation International Journal of Advanced Science and Technology Vol. 29, No. 8s, (2020), pp. 2205-2215.

7. Абдураимов Ш.С. Обеспечение качества подготовки и занятости кадров «Высшее и среднее профессиональное образование как основа профессиональной социализации обучающихся» Материалы 13-ой Международной научно-практической конференции (г. Казань, 28 мая 2019 года). Казанский государственный архитектурно-строительный университет. – Казань: 2019. – 194-198 ст.

8. Абдураимов Ш.С. Интегрированное обучение в обеспечении качества подготовки учителей профессионального образования как научная проблема // Непрерывное профессиональное образование как фактор устойчивого развития инновационной экономики: Международной научно-практической конференции. - Казань, 2017. - С. 109-112.

9. Абдураимов Ш.С. Интегративное взаимодействие в профессионально-ориентированной подготовке педагогических кадров // Образование: традиции и инновации: Материалы VI международной научно-практической конференции. - Прага, 2014. - С. 4-5.

10. Абдураимов Ш.С. Профессионально-ориентированная подготовка педагогических кадров в условиях интегративного взаимодействия // Узлуксиз таълим тизимида ҳамкорлик педагогикаси: Халқаро конференция материаллари. - Тошкент, 2014. - Б. 18-20.

11. Абдураимов Ш.С. Структура и содержание межпредметных связей в изучении спецдисциплин // Технологии и методики в образовании. Воронеж, 2012. №1. – С. 51-54.

12. Муслимов Н.А., Куйсинов О.А. Технологии формирования методологической компетентности будущих учителей профессионального образования: метод, пособие. TDPY- 2014.